

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

## № 16 - сонли шартнома

Бухоро шаҳри

16 ноябрь 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «ARX IDEAL» МСНҲ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Б.Р.Холиков иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг 2022 йил 14 ноябрдаги № 56377-сонли электрон баённомасига кўра «Когон шаҳар Истиклол МФЙ ҳудудида жойлашган 6 та қўп қаватли уйларнинг том қисмини профнастил копламаси билан қоплаш» объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари кўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;

- лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 2 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

### 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Кўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### **4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.**

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан – **35 700 000** (Уттиз беш миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиламиз.

4.3. Ишлар қиймати узел-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қўрилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда

амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси»  
Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26  
Х/р: 302021860064017013990199005  
ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100  
Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармаси  
Х/р: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«ARX IDEAL» МСНҲ  
Манзил: Бухоро шаҳар Навоий шох  
кўчаси 5 уй  
Тел. 998 774 08 08  
Х/с 2020 8000 0007 9801 6001  
Банк номи: Узсаноатқурилиш банк  
Тукимачилик филиали  
МФО 00440 ИНН 305 040 381  
ОКОНХ

Компания раҳбари Ф.Б.Жаллиев  
(мухр, имзо)

Директор Б.Р.Холиков  
(мухр, имзо)

Ҳуқуқшунос Д.Соибов  
Дилёзиза ЮК № 006116

Ҳуқуқшунос: Р.Хайитов

Р. Хайитов

